


Марокаш ва БААда халқаро Қуръони карим мусобақаси бўлиб ўтмоқда



14:04 / 10.11.2018 1862

Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида Қирол Муҳаммад VI номидаги XIV Халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда *Waba al aham* нашри хабар берди.

Унда 50 мамлакатдан келган ҳофизлар иштирок этишмоқда. Тадбир ташкилотчиларининг сўзларига кўра, бу йил Қуръони каримни оҳангига қараб ўқишга катта эътибор қаратилади. Қуръон мусобақаси доирасида унинг иштирокчиларига маданий дастур ташкил этиш ва мамлакатнинг диққатга сазовор жойларига сайёҳат уюштириш ҳам кўзда тутилган.

Waba al aham нашрининг хабарига кўра, Дубай шаҳри (БАА)да 4 ноябрь куни бошланган шейхи Фатима Бинт Муборак номидаги учинчи халқаро мусобақа 16 ноябрь кунига қадар давом этади. Унда 63 та мамлакатдан вакиллар қатнашмоқда. Аёллар ўртасидаги Қуръон ҳофизалари мусобақалари Дубайнинг ал-Мамзар тумани маданият ва фан амфитеатрининг залида бўлиб ўтмоқда.

Мусобақа БАА вице-президенти ва бош вазири, шунингдек Дубай ҳукмдори шайх Муҳаммад бин Рашид Ал Мақтумнинг қўллаб-қувватлаши остида ўтказилмоқда.

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилда Рамазон ойи вақтида Дубайда 104 та мамлакатдан келган ҳофизлар иштирокида 22-Халқаро Қуръон мусобақаси – Dubai International Holy Quran Award бўлиб ўтганди.

Islom.uz портали таҳририяти